

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭРКАКЛАР, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР  
ЛИБОСЛАРИ ВОДИЙ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ  
КИЙИМЛАРИ ТАСНИФИ ВА ТАҲЛИЛИ**

**Хамроҳўжаев Бахтиёр Яхёхонович,**

**Обидов Эргашбой Нурматжон ўғли**

**Хасанов Хусниддин Хусанбой ўғли**

**Наманган муҳандислик-технология институти  
(Ўзбекистон Республикаси)**

**Аннотация:** Фарғона водийси Мунчоқтепа сағаналаридан ажойиб сақланган ипакли ва ипли матодан тикилган уст-бош қолдиқларини намуналарини топилиши, нафақат тўқимачилик, балки Ўрта Осиё халқлари кийимлари тарихида ҳам янги саҳифалар очди. Ушбу кийим-кечакларни Наманган вилоят тарих ва маданият музейида ўрганиш ва Наманган Муҳандислик технология институти лабораториясида тадқиқ этиш қадимги фарғоналиклар кийими анча мураккаб қилиб тикилганини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** тўқимачилик, ипак, жун, газлама, бош кийим, безак, пахта, ранг, кийим, шойи.

**КЛАССИФИКАЦИЯ И АНАЛИЗ МУЖСКОЙ, ЖЕНСКОЙ И  
ДЕТСКОЙ ОДЕЖДЫ ФАРҒОНСКОЙ ДОЛИНЫ ТРАДИЦИОННАЯ  
ОДЕЖДА УЗБЕКОВ ДОЛИНЫ**

**Хамроходжаев Бахтиёр Яхёханович,**

**Обидов Эргашбой Нурмаджонович**

**Хасанов Хусниддин Хусанбойевич**

**Наманганский инженерно-технологический институт  
(Республика Узбекистан)**

**Аннотация:** Находка прекрасно сохранившихся головных уборов из шелка и ниток из Ферганской долины Мунчоқтепа сағана открыла новые страницы в истории не только текстиля, но и одежды народов Средней Азии. Изучение этой одежды в Наманганском областном музее истории и культуры

и исследования в лаборатории Наманганского инженерно-технологического института показывают, что одежда древних ферганцев изготавливалась очень сложным образом.

**Ключевые слова:** ткань, шелк, шерсть, марля, головной убор, отделка, хлопок, цвет, одежда, шелк.

## **CLASSIFICATION AND ANALYSIS OF MEN'S, WOMEN'S AND CHILDREN'S CLOTHING OF THE FARGON VALLEY TRADITIONAL CLOTHES OF THE UZBEKS OF THE VALLEY**

**Khamrokhodzhaev Bakhtiyor Yahyokhanovich,  
Obidov Ergashboy Nurmadjon ugli  
Khasanov Husniddin Husanboy Ugli  
Namangan Institute of Engineering and Technology  
(The Republic of Uzbekistan)**

**Annotation:** The discovery of perfectly preserved headdresses made of silk and threads from the Ferghana Valley Munchogtepa Sagan opened new pages in the history of not only textiles, but also clothing of the peoples of Central Asia. The study of these clothes in the Namangan Regional Museum of History and Culture and research in the laboratory of the Namangan Engineering and Technology Institute show that the clothes of the ancient Ferghana people were made in a very complex way.

**Key words:** fabric, silk, wool, gauze, headdress, finishing, cotton, color, clothing, silk.

Аёллар куйлагини таҳлил қиладиган бўлсак улар узун, этаги тўпиғигача тушган. Этагининг энг қуйи қисмида икки ён томонидан 10-15 см қирқиб кўйилган. Белларини эса, камар-белбоғ билан боғлаб, зеб берганлар. Камарларнинг усти ипак, астари қаттиқроқ пахта матодан тикилган. Улар юмшоқ, тўқасиз камарлар турига кирган бўлиши керак [1]. Устки халат бизнинг таҳлилимизча, пахта матосидан тикилган. Кийим ипак матодан

ясалган гуллар билан безатилган. Аёллар куйлаги юқорида айтганимиздек, этаги тўпиғигача тушган. Бу кийим хусусан қамиш тобутидаги аёл жасадида яққол кўринади. Аёл жасадининг узунлиги 170 см. бўлгани ҳолда куйлагининг узунлиги 125 см. гача боради. Куйлагининг енглари ҳам узун бўлиб, бармоқлари учигача ёпиб турган. Уст-бош мавсумга қараб бир неча қават кийилганга ўхшайди. Бу бошқа бир қамиш тобутни ўрганиш давомида ойдинлашди: бу марҳум устида уч қатор кийим бор эди. Энг устки қаватда халатни эслатувчи кийим, остида эса яна икки қават ипакдан тикилган кийим бор эди.

Ўғил болалар кийими ўрганадиган бўлсак улар калта, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан, яъни бели атрофида икки ён томонидан 10-15 см қирқиб қўйганлар. Ёқалари тўғри ва белида махсус тасма-белбоғи бор. Кўкрак қисмини беркитиш учун ипдан алоҳида боғичдан фойдаланилган, енглари узун. Ташқи чоклар энсиз лента билан тикиб маҳкамланган. Елкаси, олд томони ва енглари атрофида кўплаб майда мунчоқчалар бор, демак кийимнинг ушбу қисмларига мунчоқлар тикиб ҳашам берилган. Кўйлакни бизнингча, шаровар (шалвар) типидagi кийим билан кийганлар [1]. (1-расм)



1-расм. Болалар кийими

Қиз болалар кийимини таҳлил қилсак аёллар кўйлагидан унчалик фарқ қилмайди. Кўйлакнинг кўкрак қисми, енгининг учи ва этаги махсус гуллар билан безатилган. Ўнг кўл томонидан эса, ўйма чўнтак (кисса) тикилган. Булардан ташқари, енги ва кўкрак қисмига майда маржонли нақшлар тикилган. Таҳлил қиладиган бўлсак Мунчоқтепадаги кийимлар ҳам Ўрта Осиёдаги ўша илк ўрта асрлар анъанаси асосида тикилган. Енги, этаги, елка қисмлари чоклари махсус мато ипак билан чок бостирилган. Кийимларнинг модаси Буюк Ипак йўлидаги халқларнинг либосларидан кўп фарқ этмайди [3]. Ўйма чўнтак мунчоқлар ва махсус қиммат баҳо ипакли безаклар, алоҳида шаклли тугмалар, бант ва амулетлар-бу Мунчоқтепа кийимларига хос белгилардир [4]. (2-расм)



2-расм. Қиз болалар кийими

Бош кийими. Баъзи бир катталар ва болалар жасадларининг бош қисмида пешонасида, эҳтимол унга боғланган, ипак лента қолдиқлари қайд этилди.

Унинг узунлиги 40 см. чамаси, эни 4-6 см. Шунга ўхшаш ипак лента ҳам бор. Кенқўл мозоридаги қабрларда ҳам аниқланган. Шундай бош кийими қолдиғи милодий I минг йилликнинг биринчи ярмига оид Фарғона мозорларида ҳам топилган [5]. Бунга ўхшашлари Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам этнографлар ҳам археологлар томонидан аниқланган.

Мисол учун Бухоро вилоятида топилган теракотадан ишланган хайкалча ва Самарқандда топилган хайкалчадаги тасвирлар аёллар костюми тасвирланган. Бу топилмани тахлили Фарғона водийсидаги кийимларга ўхшашлиги аниқланди.

Айрим камиш тобутларда масалан марҳумларнинг бели ва оёғининг тўпиғи атрофида чарм қолдиқлари аниқланди. Албатта булар чарм камар ва пойафзал қолдиқлари бўлса керак. Оёқ кийими, бизнингча, пошнаси ҳозирги махсининг (Фарғона, Хоразм) бир кўринишидир [6]. Бу фикрни ёғоч қолип ҳам тасдиқлайди. Бу қолип яхлит бир ёғочдан йўниб ясалган. Шакли ва белгиларига кўра, ҳозирги махси қолипларидан кўп фарқ қилмайди.

Узунлиги 27,5 см, эни 8 см. ва ҳозирги 42-43 ўлчамли давлат стандартига тўғри келади. Ёғоч қолип билан бирга ёғоч дастали темир пичоқ ҳам топилди. Пичоқнинг тиғи яхши сақланмаган, ундан чарм кесишда фойдаланилган бўлиши керак. Юмшоқ, махсидан ташқари яна бошқа типдаги пойафзаллар ҳам бўлган. Чарм қолдиқлари ва яхшилаб эшилган чилвир бўлаги шундан далолат беради. Чилвирли оёқ кийимлари, эҳтимол, мавсумий бўлган бўлиши керак. Махси оёқ кийими сифатида илк ўрта асрнинг деворий суратларида кенг тасвирланган ва улар V-VIII асрларда анча оммавий пойафзал бўлганини кўрсатади. Кейинги йилларда махсининг ўзи ва у билан боғлиқ археологик маълумотлар кўплаб топилмоқда. Буларга Самарқанд яқинидаги Кофирқалъадан (А.Бердимуратов қазишмаси) топилган махси ёки Муғ тоғидаги топилмалар ичида [7]. Тошкент воҳасида [8], Фарғона водийсидаги [9] Қорабулоқ мозорида [10] ҳам махсилар ва уларга ўхшаш оёқ кийимлари топилди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бентович И.Б. Одежда раннесредневековой Средней Азии (по данным стенных росписей VI-VIII вв.) // Страны и народы Востока. Вып. 22. -М., 1980. -С. 196-212
2. Шалвар сидирға сатин, шойи матодан тикланадиган почаси бўғиқ кенг лозим. Қаранг. С.Давлатова.Ўзбек кийимлари аямалари изоҳли луғати.Т.2017.-Б.35
3. Майтдинова Г. Костюм раннесредневекового Тохаристана. История и связи. - Душанбе.: Дониш, 1992. -268 с
4. Матбабаев Б.Х, Майтдинова Г.М. Ткани и одежда из Мунчактепа // Археология и художественная культура Центральной Азии. ТД. Часть 2. – Ташкент, 1995. -С. 40-41.
5. Булыгина Т.Н. Украшения древних ферганцев первой половины I тысячелетия нашей эры как исторических источников: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –М., 1987. -24 с.
6. Абдуллаев Т.А, Хасанова С.А. Одежда узбеков (XIX- начало XX в.). – Ташкент: Фан, 1978. –116 с.
7. Бентович И.Б., 1958. Находки на горе Муг (Собрание Государственного Эрмитажа) // МИА. № 66. -М.-Л., 1958. -С. 358-383
8. Богомолов Г.И. К вопросу об одежде населения раннесредневекового Чача // ИМКУ. Вып. 26. –Ташкент: Фан, 1992. -С. 113-122.
9. Богомолов Г.И. К вопросу об одежде населения раннесредневекового Чача // ИМКУ. Вып. 26. –Ташкент: Фан, 1992. -С. 113-122.
10. Баруздин Ю.Д. Карабулакский могильник (раскопки 1955 года) // ТИИ АН Кирг. ССР. Вып. III. – Фрунзе, 1957. - С. 17-31.
11. Ismatullaev, N.; Dadamirzaev, B. (2020) Naqsh turlari va uning o'ziga xosligi. Молодой исследователь: вызовы и перспективы. Сборник статей по материалам СХСII международной научно-практической конференции. 2020. Стр676-680. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44466714>

12. Манзура Р.А., Бахромжон Д.Б., Зухра Б.А. Использование практично – декоративных украшений в национальных костюмах. East European Scientific Journal (Warsaw, Poland) 2019 part 6, 13-16. [https://eesa-journal.com/wp-content/uploads/EESA\\_journal\\_6\\_part\\_0-1.pdf](https://eesa-journal.com/wp-content/uploads/EESA_journal_6_part_0-1.pdf)
13. Parpiev,U.M.; Dadamirzayev,B.B.; Urinova,S. Analysis Of Vibration Effects On Sewing Machines. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published:January 31, 2021| Pages:65-69 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajjir/Volume03Issue01-11>
14. Dadamirzayev B.B., Axmadjanov A.O. Bolalar sport uslubidagi kiyimlari uchun gazlama tanlash tadqiqi. ЭКОНОМИКА И СОЦИУМ, [6-2 \(97\)](#), 2022, 57-60, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=49231405>, <https://cyberleninka.ru/article/n/bolalar-sport-uslubidagi-kiyimlari-uchun-gazlama-tanlash-tadqiqi>
15. ББ Дадамирзаев, НА Исматуллаев, Повышение ресурсоемности швейного производства в трикотажном производстве с помощью инновационных технологий. Экономика и социум, 10-2 (101), 2022, 307-310, <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-resursosobemnosti-shveyного-proizvodstva-v-trikotazhnom-proizvodstve-s-pomoschyu-innovatsionnyh-tehnologiy>